

## ИЖТИМОЙ ЖИХАТДАН ХАВФЛИ АХВОЛДАГИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР СОДИР ЭТИШГА МОЙИЛ ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ТАСНИФИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Байжанов Бабил Баҳадирович**

**Аннотация:** *мазкур мақолада ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил вояга етмаган шахслар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари, амалдаги қонунларда “ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган” тушунчаларига ўзгартириши ва қўшимчалар киритиши юзасидан таклифлар берилганлиги, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари буйича олимларнинг қарашлари кенг ва қамровли ёндашган ҳолда ёритиб берилган.*

**Калит сўзлар:** *қонун, ҳуқуқбузарлик, жиноят, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган, мойил, болалар ва ўсмирлар, чора-тадбирлар ва ҳуқуқий оқибатлар.*

**Аннотация:** *в данной статье рассмотрены особенности работы с несовершеннолетними, склонными к совершению преступлений в общественно опасной ситуации, а также предложения по изменению и дополнению понятий “общественно опасные несовершеннолетние”, определенные в действующем законодательстве, взгляды ученых на правонарушения несовершеннолетних освещены в широком и всестороннем подходе.*

**Ключевые слова:** *закон, правонарушение, преступление, социально незащищенные несовершеннолетние, уязвимые, дети и подростки, меры и правовые последствия.*

**Abstract:** *this article considers the peculiarities of work with minors prone to committing crimes in a socially dangerous situation, as well as proposals to change and supplement the concepts of “socially dangerous minors” defined in the current legislation, the views of scientists on juvenile offenses are covered in a broad and comprehensive approach.*

**Keywords:** *law, offense, crime, socially unprotected minors, vulnerable, children and adolescents, measures and legal consequences.*

Мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқ-эркинликларини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, энг асосийси, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Вояга етмаганлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мустақкам ҳуқуқий база яратилгани самарали ижтимоий ҳимоя тизимини жорий этиш ҳамда ёшларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда. Лекин шунга қарамасдан бугунги кунда вояга етмаганлар орасида ҳам хулқ оғиши билан боғлиқ ҳолатлар кузатилиб турилмоқда.

Шунингдек, ғайриижтимоий хулқ-атворли вояга етмаган шахслар жамият томонидан қабул қилинган меъёрий тартиботларга, ҳаётий қонунларга, турмуш

тамойилларига мувофиқ ривожланади, тараққий этади, жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрларга қатъий риоя қилади, амал қилади. Аммо бу ижтимоий меъёрлардан ҳам четга чиқиш, қонунларга бўйсинмаслик, ҳуқуқларни бузиш ҳоллари ҳам жамиятда учраб туради.

Шу боис, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари ходимлари томонидан бир қанча профилактика чоратadbirlari амалга ошириб келинмоқда.

Таҳиллилар шуни кўрсатмоқдаки, 2022 йилнинг 12 ойида Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳизматида фаолият олиб бораётган инспектор-психологлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган вояга етмаган шахслар билан ишлашда қуйида салбий хусусиятларини аниқлашган:

Хусусан инспектор-психологлар томонидан 2 655 нафар тарбияси оғир болалар аниқланган (шулардан, 1 184 таси дарсга келмаслик, 286 таси ўқитувчига нисбатан менсимаслик, 164 таси ноқонуний жисмлар олиб юрган, 612 таси ўқувчилар билан жанжаллашган, 391 та порнографик маҳсулотлар сақлаган, 18 таси эса зўравонлик ёки шавқатсизликни тарғиб этувчи материаллар сақлаган.)

5 183 нафар назоратсиз қаровсиз қолган болалар вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилган ҳамда 12 873 нафар ота-оналарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонуннинг 47-моддасига асосан чоралар кўрилган.

Ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган вояга етмаган шахслар томонидан Тошкент шаҳри буйича 2022 йилнинг 12 ойида 308 та жиноятлар содир этилган шундан, оғир тан жароҳати етказиш 6 тани, ўғирлик 136 тани, талончилик 22 тани, босқинчилик 7 тани, фирибгарлик 30 тани, безорилик 38 тани, бошқа жиноятлар 69 тани ташкил этганлигини[1], шунингдек вояга етмаганлар томонидан энг кўп содир этилган ҳуқуқбузарликлар безорилик жиноятлари эканлигини кўриш мумкин.

Ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этиш нияти кўпинча, болалар ва ўсмирларда муайян вазиятларнинг таъсири натижасида тусатдан пайдо булганлиги кузатилади. Бунга болалар ва ўсмирларнинг ёш хусусиятлари, яъни уларда қатъий ҳаётий хатти-ҳаракатларнинг мавжуд эмаслиги, ахлоқий ва ҳуқуқий қарашларнинг шаклланмаганлиги, тажриба ва дунёқарашнинг етарли эмаслиги қабилар сабаб сифатида хизмат қилган.

Вояга етмаган шахснинг ҳуқуқбузарликлари қандай шаклланади, оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит сабабларини ўрганиш борасида турли даврлардан бошлаб ҳар хил соҳа мутахассислари томонидан қатор тадқиқотлар олиб борилган. Бу ҳақда шу йўналишда фаолият олиб борган олимларнинг фикларини ёритиш мақсадга мувофиқдир.

Биологик йўналиш тарафдори Ч. Ламброза (1836–1909) атропологиқ мактабга асос солган бўлиб, ушбу йўналиш қриминологик назарияларида жиноий хул-атвор

инсонни жиноятга ундовчи биологик хусусиятлар билан боғлиқ деб фикр юритган. Бу борада жиноятчининг жиноят содир этишга биологик мойиллиги мавжуд ва ушбу хусусиятни инсонда йўқ қилиб бўлмайдиган, деган фикр мавжуд бўлган[2] деган хамда генетик назарияни илгари сурган. Яъни жиноятчининг фарзанди жиноятчи бўлиб туғилади ва шаклланади деган фикрга келиш мумкин.

О.Конт ва унинг тарафдорлари Ф.Лист (Германия), Е.Ферри (Италия), М.В.Духовный, И.Й.Фонитский, С.В.Позднишев (Россия)ларни келтириб ўтиш мумкин. Ушбу олимлар муълум даражада биологик факторларни рад этмасалар-да, жиний хатти-харакатлар ижтимоий жиҳатдан асосланган деб ҳисоблаб, ўз ғояларини илгари сурадилар.

Ф.Г.Углов эса ўз тадқиқотларининг кўрсатишича, 1500 нафар тараққиётдан орқада қолган болаларнинг 2 фоизи наркотик истеъмол қилмайдиган оналардан, 9 фоизи алкоголь истеъмол қилувчи оналардан, 74 фоизини наркотик моддаларни кўп истеъмол қилувчи оналардан туғилганлиги аниқланган. Жиноятчилик ирсият орқали ўтмайди. Бола онасининг қорнидан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Жиноятчилик атрофдаги муҳит, муносабатлар (ота-она, тенгдошлар, катталар билан бўладиган) таълим – тарбия таъсиридан келиб чиқиши мумкин. Унинг пайдо бўлишига қизиқиш, эҳтиёж, ироданинг пастлиги ҳам сабаб бўлади[3] деб таъкидлаган.

М.О.Камилова ва Ф.К.Исканжановаларнинг фикрича ўсмирлик ёшига хос булган ҳиссий беқарорлик, кўзғалувчанлик, таъсирланувчанлик хусусиятлари ва юзага келган муаммоли вазиятларни тўғри баҳолай олиш малакасининг етишмаслиги хамда ўзида юзага келган уй ва ниятларни тезроқ амалга оширишга бўлган интилишнинг кучлилиги уларда ғайриконуний ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисидаги ниятнинг пайдо булишига олиб келган[4] деб фикр билдиришганлигини кўриш мумкин.

Ғ.Б.Шоумаров эса ўз ёндошувларида вояга етмаганларнинг оиладаги носоғлом психологик муҳит нафақат эр-хотин ўртасидаги низоларни, балки болалар руҳиятидаги, хулқ-атворидаги ўзгаришларни ҳам келтириб чиқаришлиги[5] мумкинлигини муълум қилган.

Таҳлилларга асосан шуни кўриш мумкинки, олимларнинг фикрларига қисман кўшилган холда бизнингча, бу каби тоифадаги шахсларнинг шаклланишида ташқи вазият (объектив омил), ҳам ички (субъектив омил) мақсадлар билан боғлиқ ҳисобланади. Вояга етмаган шахслар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг салмоғини кўп холатларда ташқи муҳитлар таъсирида амалга ошираётганлигини кўриш мумкин. Шунингдек ҳуқуқбузарлик номаъқбул ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий муҳитдагина илдиз отиши мумкин деган фикрдамиз.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги” қонуннинг 3-моддасида куйидаги хатбошисида келган *Ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган вояга етмаган* – “вояга етмаганнинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёхуд уни таъминлаш,

тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган ёхуд ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган вояга етмаган"[6] тушунчалар бериб ўтилган.

Мазкур қонунинг 3-моддасида тушунчалар кўрсатилган бўлсада, вояга етмаган шахслар ҳуқуқбузарликларига оилада айрим ота-ота ва унинг ўрнини босувчи шахслар томонидан яратиб берилган салбий шарт-шароитлар натижасида ғайриижтимоий хулқ-атвори шаклланган деган маъноларда келган.

Бизнингча намунали оила, она-она ва унинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган фарзандлар тарбияси учун барча шарт-шароит яратиб берилган бўлсада, уларнинг ҳуқуқбузарликлари ташқи муҳит таъсири натижасида (кўчада, мактабда ёки ҳуқуқбузарликлар содир этишига мойил шахслар таъсири остида ёки "интернет ижтимоий тармоқлари "инстаграм", телеграм, одноклаский ва бошқаларнинг турли сегментларида оммалашган ва кўплаб мунозараларга сабаб бўлган "Кўк кит", "Тинч уй", "WinX", "югурасан ёки ўласан" (беги или умри) кабилар вояга етмаган ўсмирларни ўз домига тортаётганлигини ва бу ўйинлар ҳам охири ўйинчининг ўз жонига қасд қилиш ҳодисаси билан яқунланади)[7] ортирилган ғайриижтимоий хулқ-атворлари оқибатида юз берилиш мумкин деган фикрдамиз.

Таҳлилларга асосланиб, шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги 3-моддаси хатбошида келган "Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган" тушунчасини қуйидагича "Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги ҳуқуқбузарликлар сотир этишига мойил вояга етмаган – жумлалари билан тўлдириш таклиф этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, вояга етмаганлар ҳаётида оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит нафақат зўравонликларнинг, балки оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилишини таъминловчи асосий омил ҳисобланади.

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни жиловлаш мақсадида қуйидаги ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириб келинмоқда:

Жумладан: "давомад, тиз, ўсмир, диққат ниёда, қора дори" ва бошқа чоратадбирлар.

Хулоса ўрнида шу ўринда таъкидлаш жоизки, жамиятда устувор бўлган оилавий кадриятлар, урф-одатлар ва маросимларнинг ўрни оилада тарбияланаётган фарзандларнинг шаклланишида шунингдек оила аъзолари ўртасида вужудга келадиган барқарор, соғлом ижтимоий муносабатларга боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, вояга етмаганларни назорат қилиш ва қаровсиз қолдирмаслик, уларнинг тарбияси билан шуғулланиш нафақат ота-она ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг балким давлат ва жамият олдида турган энг катта вазифа ва мақсадлардан бири эканлигини унутмаслик керак. Чунки юртимизда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар салмоғи қанча камайса бу бизнинг олдимизга қуйган марралардан бири ҳисобланади.

## Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1) ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаментида 2022 йил 12 ой якуни бўйича ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати фаолияти юзасидан видеоселектор йиғилишига.

2) Исмаилов И. Абдурасулова.Қ.Р., И.Ю.Фазилов Криминология. – Т., 2015. – 100-б

3) Нима учун киши жиноятга қўл уради? Жиноят содир этаётганди нимага ўзини тўхтатиб қололмайди?

URL:<https://uz.denemetr.com/docs/768/index-71296-1.html?page=2>

4) М.О.Камилова ва Ф.К.Исканжанова: Ғайриижтимоий хатти-харакатлар ва қизиқишлар болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келтириб чиқарувчи омил сифатида”

URL:<https://cyberleninka.ru/article/n/ayriizhtimoiy-hatti-arakat-va-izi-ishlar-bolalar-va-smirlarda-hul-o-ishini-keltirib-chi-aruvchi-omil-sifatida>.

5) Қаранг:Шоумаров Ғ.Б. Вояга етмаган жиноятчилар билан ишлашнинг психологик масалалари. // Таълим тизимида психологик хизмат: муаммолар, ечимлар. Термиз, 2002. 7-9 бет.

6) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун.

7) Н.И.Тайлоқов . Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни аниқлаш ва уларни тарбиялаш .Китоб. Тошкент - 2017 й. 14-бет. URL: <https://www.researchgate.net/>